Premium Finance

Мустақил баҳоловчи ташкилот тўғрисида маълумот:

«PREMIUM FINANCE»

масъулияти чекланган жамияти

Манзил: Тошкент шаҳри,
Мустақиллик шоҳ кўчаси, 59А

х/р: 2020 8000 3006 8088 4001
«ОРИЕНТ ФИНАНС» ХАТБ
банк коди: 01071, СТИР: 304 361 782

Юридик шахсни рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида маълумотлар:
10.10.2016 йилдаги 009518 – 09 - сонли

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хабарнома қабул қилинганлиги тўғрисида тасдиқнома
26.11.2021 йилдаги 16255 – сонли

Телефонлар:
(+998 98) 125 – 54 – 44
(+998 97) 737 – 91 – 81

e-mail: info@pfgroup.uz

«BOSHTRANSLOYIHA» Транспорт бўйича бош лойиҳа-қидирув институти акциядорлик жамиятининг 2022 йилдаги корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари бўйича ХУЛОСАСИ

«BOSHTRANSLOYIHA» акциядорлик жамияти корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари бўйича хулоса «PREMIUM FINANCE» масъулияти чекланган жамияти томонидан тайёрланди.

2023 йил 15 майдаги 2К/23 – сонли шартномага асосан «BOSHTRANSLOYIHA» акциядорлик жамиятида корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш ўтказилди. Мустақил баҳолаш Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, жумладан акциядорлик жамиятларининг фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини ривожлантириш Комиссияси томонидан (2015 йил 31 декабрдаги 9 – сонли баённома) тасдиқланган Корпоратив бошқарув Кодексига мувофиқ амалга оширилди.

«BOSHTRANSLOYIHA» акциядорлик жамиятида корпоратив бошқарув тизими ҳолати тўғрисида мустақил холисона фикрни шакллантириш баҳолаш ўтказилишининг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади.

«BOSHTRANSLOYIHA» акциядорлик жамияти корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ва Корпоратив бошқарув илмий – таълим маркази томонидан 2016 йил 25 июлда тасдиқланган Саволнома асосида амалга оширилди.

«PREMIUM FINANCE» МЧЖ фақат «BOSHTRANSLOYIHA» акциядорлик жамияти томонидан тақдим этилган хужжатлар, ҳисоботлар, маълумотлар ва бошқа материаллар асосида Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизими ҳолати тўғрисида шакллантирилган ўз нуқтаи назарини ифодалаганлиги учун жавобгар ҳисобланади.

«BOSHTRANSLOYIHA» акциядорлик жамияти тақдим этилган хужжатлар, ҳисоботлар, маълумотлар ва бошқа материалларнинг тўлиқлиги, мазмуни ва ишончлилиги учун жавобгар ҳисобланади. Олинган хужжатлар, ҳисоботлар, маълумотлар ва бошқа материалларнинг асл нусхалиги ва ишончлилиги текширилмади ва эътироз билдирилмади.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, «BOSHTRANSLOYIHA» акциядорлик жамияти томонидан тақдим қилинган хужжатлар, ҳисоботлар, маълумотлар Жамият корпоратив бошқарув тизими ҳолати тўғрисида мустақил фикр ифодалаш учун етарли асос бўлиб хизмат қилади.

Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларига кўра «BOSHTRANSLOYIHA» акциядорлик жамияти корпоратив бошқарув тизимининг ҳақиқий баҳоси **948 баллни** ёки фоиз кўринишида **79,0%** ни ташкил этди ва «PREMIUM FINANCE» МЧЖ томонидан Жамият корпоратив бошқарув тизимига **«юқори»** даражадаги баҳо берилди.

Хулоса 2023 йил 25 май санасида берилди

КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ БАҲОЛАШНИНГ ЯКУНИЙ ЖАДВАЛИ

TRANS YO LOYIHA

2022 ЙИЛ УЧУН «BOSHTRANSLOYIHA» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

Т/р	Йўналишлар	Саволлар сони	Қуйи балл	Юқори балл	Ҳақиқий балл
I	Корпоратив бошқарув кодексини жорий этишга тайёргарлик кўриш жараёнини баҳолаш	13	-135	135	135
II	Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига амал қилиниини баҳолаш	37	-360	360	275
III	Жамият ташкилий тузилмасини баҳолаш	3	-30	30	30
IV	Конкурс танлови ўтказилишини баҳолаш	5	-45	45	-5
V	Жамият ҳисоботларини БҲХС га ва аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ошкор қилинишини баҳолаш	3	-50	50	50
VI	Бошқарувнинг замонавий тизимларини жорий этилишини баҳолаш (ISO, ERP, НИОКР ва бошқалар)	5	-55	55	55
VII	Ахборот сиёсатини баҳолаш	5	-170	320	303
VIII	Молиявий натижаларни баҳолаш	4	-150	150	125
IX	Жамият фаолиятининг бошқа йўналишларини баҳолаш	25	-205	55	-20

